ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

МУХАМЕДИЕВА ДИЛДОРА КАБИЛОВНА

БИОЛОГИК ПОПУЛЯЦИЯНИНГ КРОСС-ДИФФУЗИОН СИСТЕМАЛАРИНИ КОМПЬЮТЕРЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07-Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 519.957

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of Doctoral (DSc) dissertasion

Мухамедиева Дилдора Кабиловна
Биологик популяциянинг кросс-диффузион системаларини компьютерли моделлаштириш. 3

Мухамедиева Дилдора Кабиловна
Компьютерное моделирование кросс-диффузионных систем биологической популяции……………………….... 27

Mukhamediyeva Dildora Kabilovna
Computer modeling of cross-diffusion systems of biological population. 51

Эълон қилинган ишлар рўйҳати
Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

МУХАМЕДИЕВА ДИЛДОРА КАБИЛОВНА

БИОЛОГИК ПОПУЛЯЦИЯНИНГ КРОСС-ДИФФУЗИОН СИСТЕМАЛАРИНИ КОМПЬЮТЕРЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07-Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Техника фанлар доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4. DSc /T242 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Арипов Мерсаид Мирсидикович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Равшанов Нормахмат** техника фанлари доктори, профессор
	Утеулиев Ниетбай Утеулиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
	Маматов Алишер Зулунович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 27 » июль соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (161 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2020 йил «15» июль куни тарқатилди.
(2020 йил «2» июль даги 10 рақамли реестр баённомаси.)

Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.Б.Хидирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда ночизиқли биологик популяция жараёнларининг математик моделларини сифат хоссаларини аналитик ва сонли жиҳатдан ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «БМТ нинг популяция бўлими башоратига кўра 2050 йилга келиб ер аҳолисининг сони 9 700 миллионга етади. Оптимистик башоратга кўра, 2057-2058 йилларга келиб Ўзбекистонда 50 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилади, 2100 йилга келиб эса аҳоли сони 65 миллионга етиши кутилмоқда. Кучайган режимда аҳолининг гиперболик ўсиши ночизиқли дифференциал тенгламани ечишда асосий функцияга айланади»[1]. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан АҚШ, Япония, Испания, Германия, Буюк Британия, Франция, Россия Федерацияси, Ўзбекистон ва бошқаларда ночизиқли математик моделларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича фаол илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда бир қатор фундаментал муаммоларнинг ночизиқли жараёнларини моделлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шундай бўлишига қарамай, биологик популяция ночизиқли масалаларини ечишга йўналтирилган усул ва алгоритмларни яратиш масалалари тўла даражада ўрганилмаган, бу эса ночизиқли кросс-диффузия моделалрини ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтиради.

Республикамизда барча иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»[2] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ночизиқли ажратиш алгоритми асосида фазонинг ўлчамига кўра бир ва кўп компонентали рақобатлашувчи биологик популяция жараёнларини компьютерли моделлаштириш бўйича кўплаб тадбирлар юқори даражада олиб борилган бўлиб, маълум натижаларга эришилди. Бу соҳада квазичиқли биологик популяция тенгламалар системасининг асимптотикаларини ҳамда сонли ечиш усулларини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ўсишида кузатиладиган сабаб-натижавий боғланишларни аниқлаш имкониятини такомиллаштириш, ушбу модел доирасида инфекцион касалликларнинг тарқалиш тўлқини каби ҳодисаларни ҳамда беморлар сонининг мураккаб фазовий-вақт динамикасининг мавжудлигини изоҳлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги»ги, 2018 йил 19 февралдаги

---

[1] http://spkurdyumov.ru/biology/ocherk-teorii-rosta-chelovechestva-kapica/2/

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегими тўғрисида" ги Фармони

ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[3]. Кўпгина етакчи илмий марказлар ҳамда олий таълим муассасаларда ночизиқли масалаларнинг турли хил хоссаларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилади, хусусан, Oxford University, University of Cambridge, Department of Mathematical Sciences of University of Liverpool, Department of Applied Mathematics of University of Leeds, Faculty of Biological Sciences of University of Leeds, Department of Engineering Mathematics and School of Biological Sciences of University of Bristol (Буюк Британия), Department of Mathematics of Stanford University, Consortium of the Americas for Interdisciplinary Science and Department of Physics and Astronomy of University of New Mexico, Department of Biology of University of Louisiana, Departments of Entomology and Biology, Pennsylvania State University (АҚШ), Ecole des Hautes Etudes en Sciences Sociales, Institut de Math´ematiques de Toulouse, Universit´e Paul Sabatier (Франция), Universit`a degli Studi di Padova Dipartimento di Matematica (Италия), Departamento de Física, Facultad de Ciencias Físicas y Matemáticas, Universidad de Chile, Complex Systems Group, Facultad de Ingeniería y Ciencias Aplicadas, Universidad de los Andes (Чили), Centro Ato ´mico Bariloche, Instituto Balseiro and CONICET (Аргентина), Department of Theoretical Ecology, Biology Centre ASCR, Institute of Entomology (Чехия), School of Sciences, Jimei University, Xiamen (Хитой), Москва Давлат Университети, Амалий математика институти, Назарий ва Тажрибавий физика институти, Томск Давлат Университети (Россия Федерацияси), Ўзбекистон Миллий Университети, Самарканд Давлат Университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари Университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий –инновацион маркази (Ўзбекистон) сингари илмий марказларида ечимларнинг хоссаларини ўрганиш учун турли хил аниқ ва тақрибий ечимларга мурожаат қилинади.

[3] Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи Oxford University, University of Cambridge, Department of Mathematical Sciences of University of Liverpool, Department of Engineering Mathematics and School of Biological Sciences of University of Bristol, Department of Mathematics of Stanford University, Consortium of the Americas for Interdisciplinary Science and Department of Physics and Astronomy of University of New Mexico, http ишларга бағишланган.

Кросс-диффузион системаларни сонли моделлаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар асосида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: коэффициентларга қўйилган айрим шартларда бир ўлчовли стационар модел берилган оралиқда Тьюринг бифуркациясига учраши исботланган, ечимнинг мавжудлик ва ягоналик шартлари топилган, ўзгармас стационар эритмаларнинг турғунлиги ва диффузион турғунсизлиги ўрганилган (National Natural Science Foundation of China, Austrian Science Fund), моделларнинг айрим асимптотикалари ўрганилган (Friedrich-Alexander-University of Erlangen-Nürnberg), эритмаларда ёки газ аралашмаларида кўп компонентали диффузия оқимларини тасвирловчи Максвелл-Стефан тенгламалар системаси қаралган (Center of Smart Interfaces, TU Darmstadt), турғунликка яқин ечимларнинг глобал мавжудлиги ҳамда кучли ечимларнинг корректлиги исботланган (Technische Universität Chemnitz), бир ўлчовли муҳитда кросс-диффузиянинг градиенти бир йўналишли бўлса кичик градиентли тур ғолиб чиқиши кўрсатилган (Department of Ecology and Evolution at Princeton University), Шигезада-Кавасаки-Терамото моделининг стационар ҳолатлари ўрганилган (Departmentof Applied Mathematics Waseda University).

Дунёда биологик популяциянинг ночизиқли жараёнларини сонли моделлаштириш бўйича қатор истиқболли йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: ночизиқли модел ечимларининг глобаллик шартларини топиш; параболик кўринишдаги ночизиқли тенгламалар системаси умумлашган ечимларининг асимптотик ифодаларини тадқиқ қилиш; фазовий локаллашув шартларини ўрганиш; биологик популяциянинг чизиқсиз жараёнларини сонли ўрганишга имкон берувчи дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ночизиқли жараёнларни моделлаштириш масаласи кўп йиллар давомида бутун дунё олимларининг диққат марказида бўлиб келаётганлигига қарамасдан, сўнгги йилларда ушбу мавзу бўйича илмий мақолалар сонининг мунтазам равишда ортиб бориши кузатилмоқда. Бунинг сабаби фан ва техниканинг турли масалаларини ечиш учун ночизиқли моделлаштириш усул ва алгоритмларини қўллаш соҳаларини узлуксиз кенгайиши ҳисобланади. Ночизиқли моделлаштириш услубиятини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалаларига бир қатор олимлар: Дж.Марри, N.Shigesada, K. Kawasaki, H.Berestycki, L.Rossi, Н.В.Белотелов, А.И.Лобанов ва бошқа муаллифларнинг ишлари бағишланган. Колмогоров-Фишер тенгламаси асосида бактериялар популяциясининг эволюцион модели А.Ю.Трифонов ва А.В.Шаповаловинг ишларида қаралган. Н.В.Белотелов ва А.И.Лобановнинг ишларида ночизиқли диффузиянинг битта популяция модели учун турнинг миграция оқими локал зичликка боғлиқлиги популяция сони динамикасининг ўзига хос ҳатти-ҳаракатини тўғри таърифлашга имкон бериши кўрсатилган.

Ўзбекистонда ночизиқли масалалар ва уларнинг системалари билан Н.М.Мухитдинов, М.М.Арипов, А.Б.Бегматов, Ж.Тохиров, Б.Ш.Хужаёров, Н.Равшанов, Н.Н.Утеулиев, А.З.Маматов, Ш.А.Сагдуллаева, А.С.Матякубов, З.Р.Рахмоновлар шуғулланганлар. М.Ариповнинг ишларида ночизиқли масалаларни ўрганишнинг самарали усулларидан бири ночизиқли ажратиш усули ҳамда эталон тенгламалар усули эканлиги исботланган.

Биологик популяциянинг кросс-диффузион системаларини моделлаштириш ҳамда турли хил амалий масалаларни ечишда усул ва алгоритмларни амалий қўлланилишининг таҳлили ночизиқли жараёнларни моделлаштириш соҳасидаги назарий ва амалий масалаларнинг чуқурроқ ва тўлақонли тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатади. Шулар қаторига ночизиқли ажратиш ва эталон тенгламалар усули асосида ночизиқли кросс-диффузион системаларни ечиш имконини берувчи алгоритмларни ишлаб чиқиш муаммоси ҳам киради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, А-5-44 «Колмогоров-Фишер типидаги чизиқсиз биологик популяция системаларини сонли моделлаштириш» (2015-2017) ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялри университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инноваицон маркази илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ЁБВ-Атех-2018-10 «Суст шаклланган жараёнларни моделлаштириш учун кўп агентли интеллектуал тизим алгоритмлари ва дастурларини ишлаб чиқиш» (2018-2019) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади икки карра ночизиқли математик моделларнинг сифат хоссаларини таҳлил қилиш, автомодел таҳлил асосида бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган муҳитда ифодаланувчи сонли схемалар ҳамда амалиётга тадбиқ этиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иккита синфга мансуб математик моделлар - ночизиқли популяция моделлари ҳамда рақобатлашувчи популяциянинг кросс-диффузион системаларининг хоссаларини тадқиқ қилиш;

ночизиқли ажратиш алгоритми ҳамда ечимларни таққослаш тамойиллари асосида кўп компонентали кросс-диффузион биологик популяция жараёнларининг сонли моделларини ишлаб чиқиш;

конвектив кўчишга ҳамда икки карра ночизиқли ва ўзгарувчан зичликка эга кўп компонентали кросс-диффузион биологик популяция жараёнларининг сонли моделларини ишлаб чиқиш;

биологик популяция тенгламаларининг кўп компонентали кросс-диффузион системалари учун муҳитнинг сонли параметрлари, фазонинг ўлчами ва бошланғич маълумотларга кўра ночизиқли ажратиш алгоритми ҳамда автомодел, тақрибий автомодел ёндашуви асосида Коши масаласининг қуйи ва юқори ечимини қуриш;

ночизиқли кўп компонентали рақобатлашувчи биологик популяция жараёнини таърифловчи кросс-диффузион параболик тенгламалар системаси умумлашган ечимларининг асимптотик ифодаларини қуриш;

итерацион усулларни тадбиқ этиш учун бошланғич мос яқинлашишларни топиш ва кўп компонентали кросс-диффузиион биологик популяция системасининг ночизиқли жараёнларини ўрганишда сонли схемаларни қуриш;

юқорида баён қилинган масалаларни ечиш учун алгоритм ва дастурий мажмуалар ишлаб чиқиш, ночизиқлилик билан боғлиқ янги эффектларни сонли равишда ўрганиш, ечимларни визуал тарзда тақдим этиш, ҳисоблаш экспериментини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ночизиқли кросс-диффузия системалари орқали ифодаланувчи биологик популяциянинг ночизиқли жараёнлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биологик популяция кросс-диффузион тенгламалар системасининг сифат хоссаларини ўрганиш усуллари, сонли усуллар, ўрганилаётган жараёнларинг компьютерда жорий қилинишининг ҳисоблаш алгоритмлари қаралган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда ночизиқли ажратиш алгоритми, автомодел ва тақрибий автомодел усуллар, ечимларни таққослаш услуби, итерацион сонли усуллар, ўзгарувчан йўналишлар ва прогонка усулидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

кўп компонентали рақобатлашувчи кросс-диффузион биологик популяция системалари учун ночизиқли парчалаш алгоритмига асосланган автомодел ва тақрибий-автомодел ечимларни олиш усуллари ишлаб чиқилган;

конвектив кўчишли кросс-диффузион биологик популяция системаларининг компьютерли моделлари ишлаб чиқилган;

кўп компонентали икки карра ночизиқли ва ўзгарувчан зичликка эга биологик популяциянинг кросс-диффузион системаларини компьютерли моделлари ишлаб чиқилган;

биологик популяциянинг кросс-диффузион системалари ечимларининг локаллашув хоссалари аниқланган, глобал ечимга эга эканлик исботланган ҳамда Коши масаласининг умумлашган ечим баҳолари олинган;

автомодел тенглама ва система ечимларининг асимптотик ҳатти-ҳаракати асослаб берилган;

муҳит параметри, фазонинг ўлчамлари ва бошланғич маълумотларга кўра кўп компонентали кросс-диффузион биологик популяция тенгламалари системаси учун Коши масаласи ечимининг баҳолари олинган;

биологик популяция кросс-диффузион тенгламалар системасининг қуйи ва юқори ечимларини қуриш усуллари ишлаб чиқилган;

итерацион усуллар ёрдамида сонли параметрларнинг қийматларига кўра керакли аниқликда ҳисоблашларни таъминловчи мос бошланғич яқинлашишлар таклиф қилинган;

ночизиқли кросс-диффузион математик моделларни визуаллаштирувчи сонли моделлаштиришни амалга оширувчи ҳисоблаш схемалари, алгоритмлар, дастурий мажмуалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат**:**

турли ҳил тадбиқларда вужудга келадиган ночизиқли кросс-диффузион биологик популяция системаларини ночизиқли ечишга нисбатан итерацион жараён ишлаб чиқилган;

сифат таҳлили асосида сонли схемалар ва алгоритмлар ишлаб чиқилган;

ночизиқли кросс-диффузион тенгламалар системаси асосида визуал ночизиқли жараёнларни ўрганишга ёрдам берувчи дастурий мажмуа ишлаб чиқилган;

автомодел ва тақрибий автомодел ечимларни олиш усулларини тадбиқ этиш натижасида биологик популяция жараёнларининг ночизиқли математик моделлари билан боғлиқ янги ҳодисалар ўрнатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қатъий исботланган теорема ва тасдиқлар билан асосланади. Олинган ечим баҳоларидан фойдаланиб, ночизиқли эффектни сақлаган ҳамда эталон тенгламалар ва автомодел таҳлил усулларини қўллагаган ҳолда, ишда таклиф этилган ҳисоблаш услубининг ишончлиги ва самарадорлиги ечимларнинг сонли таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти квазичизиқли параболик тенгламалар кўринишида ифодаланувчи ночизиқли кросс-диффузион биологик популяция тенгламалар системаси ечимларининг вақт бўйича ечимга эгалик шартлари билан асосланади. Улар иссиқлик ўтказувчанлик, фильтрация, диффузия каби ночизиқли жараёнларининг математик моделларини ўрганишда, ҳамда келгусида ночизиқли параболик тенгламалар назариясини ривожлантиришда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертацияда олинган натижаларнинг амалий аҳамияти қурилган итерацион жараён, ишлаб чиқилган сонли схемалар ва дастурий мажмуа тезкор ва суст диффузия ҳолида ночизиқли биологик популяция жараёнлари масалаларини ечиш учун ҳисоблаш экспериментини ўтказишга имкон бериши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Автомодел таҳлил асосида бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган муҳитда ифодаланувчи сонли схемалар ва тадқиқот усуллари асосида:

параболик типдаги ночизиқли кўп компонентали биологик популяция масаласининг автомодел ва тақрибий-автомодел ечими, глобал ечим учун баҳолари ҳамда сонли ечиш усуллари Тез тиббий ёрдам Республика Илмий марказининг Андижон филиалида, Андижон Тиббиёт Уюшмаси, Андижон кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳамда Андижон Вилоят инфекцион касалхонасида тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Андижон вилоят бошқармасининг 2020 йил 05 февралдаги 24-8/1056-сон маълумотномаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 03 июндаги 33-8/2959-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси инфекцион кассаликлар тарқалишини башоратлаш самарадорлигини 15% га ошириш имконини берган;

автомодел ва тақрибий автомодел ечимларни олишнинг ишлаб чиқилган усули ҳамда глобал ва чегарланмаган ечимларнинг баҳоси Фарғона шаҳар тиббиёт уюшмаси, Республика тез тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиалида тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фарғона вилояти бошқармасининг 2020 йил 05 февралдаги 01-08/481-сон маълумотномаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш Вазирлигининг 2020 йил 03 июндаги 33-8/2959-сон маълумотномаси). Бу инфекцион касалликларнинг тарқалишини башорат этиш самарадорлигини 15% га ошириш имконини берган;

квазичиқли параболик тенгламалар кўринишида ифодаланувчи кўп компонентали рақобатлашувчи биологик популяция жараёнларини таърифловчи ночизиқли математик моделлар «Зарафшон» магистрал тизими бошқармасида қарор қабул қилиш масалаларини ечишда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш Вазирлигининг 2020 йил 03 июндаги 33-8/2959-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси мониторинг ва қарор қабул қилиш самарадорлигини 25% га ошириш имконини берган;

биологик популяция кўп компонентали рақобатлашувчи тенгламалар системалари учун Коши масаласи ечимининг баҳолари, ҳамда сонли ечим усуллари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Тошкент вилояти бошқармасида зарар билан ишлаётган корхоналарни иқтисодий барқарорлигини мониторинг масалаларини ечишда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш Вазирлигининг 2020 йил 03 июндаги 33-8/2959-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида зарар билан ишлаётган корхоналарни иқтисодий барқарорлиги мониторингини ўтказиш йил якуни бўйича аввалги йилга нисбатан уларнинг миқдорини Тошкент вилоятида 15% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий назарий ва амалий натижалари 9 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари 76 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 20 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, 12 таси хорижий журналларда ва 8 таси республика журналларида нашр қилинган, ҳамда 3 та ЭҲМ учун дастурларни расмий рўйхатдан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Биологик популяциянинг ночизиқли кросс-диффузион системасини математик моделлаштириш**» деб номланувчи биринчи бобида мавзуга оид ночизиқли диффузияли популяцион моделларнинг аналитик таҳлили, шунингдек натижаларни келгусида баён этиш учун керак бўладиган айрим ёрдамчи тасдиқ ва таърифлар келтирилади. Биологик популяция масаласини бир ўлчовли ҳолда ечиш учун ёндашувлар таклиф этилган. Кўп компонентали кросс-диффузион системаларининг аналитик таҳлили келтирилган.

Бир компонентали системаларнинг умумий математик модели қуйидаги тенглама орқали ёзиб олиниши мумкин:

$$u_t^a = \sum\nolimits_{\beta=1}^{n} \sum\nolimits_{j=1}^{3} \frac{\partial}{\partial x_j}\left(D(u)^{\alpha\beta} \frac{\partial u^b}{\partial x_j} \right) + f^{\alpha}(u^b)$$

Бу ерда t вақтни, n - системада қатнашган компоненталар сонини ифодалайди, x_j фазовий ўзгарувчи ҳисобланиб, $D(u)$ диффузия коэффициентлари матрицаси ҳисобланади. $u(t,x)$ номаълум ўзгарувчи бир ўлчовли ҳолда t вақт моментида x ҳолатда, икки ўлчовли ҳолда t вақт моментида (x,y) ҳолатда ва уч ўлчовли ҳолда t вақт моментида (x,y,z) ҳолатда зичлик, тўйинганлик ёки концентрацияни ифодалайди. Диффузион ҳадларнинг реакция диффузия системаларида бажарадиган вазифаси фазо соҳаси бўйлаб компоненталарнинг концентрациялари ўртасида фарқни топишдан иборат.

Физика, кимё, биология, экология, неврология ва ҳ.к. соҳаларда бундай тенгламалар орқали ифодаланиши мумкин бўлган ҳодисаларни кузатамиз. Реакция-диффузия системаларида намоён бўладиган кўплаб муаммолар мавжуд. Реакция ва диффузия атамаларининг комбинацияси реал масалаларда содир бўладиган ҳодисаларнинг барча омилларини қамраб олади. Умуман олганда, реакцион кросс-диффузион система реакцион ўз-ўзига диффузион система сингари эътибор қозонмади. Бунинг ўзи кросс-диффузион системалардаги айрим хоссаларни ўрганишга туртки бўлиши учун етарлидир.

Диссертациянинг **«Биологик популяциянинг кросс-диффузион системаларини автомодел ечимлари»** деб номланувчи иккинчи бобида биологик популяция масаласининг реакция-диффузион квазичиқли тенгламалар системасини қуриш ўрганилади. $Q=\{(t,x):\ 0<t, x\in R\}$ соҳада диффузия коэффициенти икки карра ночизиқли реакция-диффузия квазичиқли тенгламаларнинг параболик системаси синфи қаралади

$$\begin{cases} \dfrac{\partial u_1}{\partial t}=div(D_1u_2^{m_1-1}\left|\nabla u_1\right|^{p-2}\nabla u_1)+F_1(u_1), \\ \dfrac{\partial u_2}{\partial t}=div(D_2u_1^{m_2-1}\left|\nabla u_2\right|^{p-2}\nabla u_2)+F_2(u_2), \end{cases} \tag{1}$$

$$u_1\big|_{t=0}=u_{10}(x),\ \ u_2\big|_{t=0}=u_{20}(x),$$

у ночизиқли икки компонентали муҳитда биологик популяция жараёнини ифодалайди, бунда $F_1(u_1)=k_1u_1(1-u_1^{\beta_1})$, $F_2(u_2)=k_2u_2(1-u_2^{\beta_2})$, $k_1=1/\beta_1$, $k_2=1/\beta_2$ ҳамда диффузия коэффициентлари $D_1u_2^{m_1-1}\left|\nabla u_1\right|^{p-2}$, $D_2u_1^{m_2-1}\left|\nabla u_2\right|^{p-2}$ га тенг, бунда $m_1, m_2, p, \beta_1, \beta_2$ -мусбат ҳақиқий сонлар, $u_1=u_1(t,x)\ge 0$, $u_2=u_2(t,x)\ge 0$ - изланаётган ечимлар. Бу системанинг асосий хусусияти системанинг бузилиб кетишишадир. $u_1=0$, $u_2=0$, $\nabla u_1=0$, $\nabla u_2=0$ бўлган соҳада у классик маънода ечимга эга бўлмаслиги мумкин.

$F_1(u_1)=k_1u_1$, $F_2(u_2)=k_2u_2$ да мос модел чизиқли, бунда масала

$$u_1(t,x)=e^{k_1t}w_1(\tau,x),\ u_2(t,x)=e^{k_2t}w_2(\tau,x),$$

$$\tau(t)=\frac{e^{[(m_1-1)k_2+(p-2)k_1]t}}{(m_1-1)k_2+(p-2)k_1}=\frac{e^{[(m_2-1)k_1+(p-2)k_2]t}}{(m_2-1)k_1+(p-2)k_2}$$

алмаштириш орқали қуйидаги

$$\begin{cases} \dfrac{\partial w_1}{\partial t}=div(D_1w_2^{m_1-1}\left|\nabla w_1\right|^{p-2}\nabla w_1), \\ \dfrac{\partial w_2}{\partial t}=div(D_2w_1^{m_2-1}\left|\nabla w_2\right|^{p-2}\nabla w_2), \end{cases}$$

кўринишда қайта ёзиб олинади. Шунинг учун $u_2^{m_1-1}\left|\nabla u_1\right|^{p-2}\nabla u_1\in C(\mathrm{Q})$, $u_1^{m_1-1}\left|\nabla u_2\right|^{p-2}\nabla u_2\in C(\mathrm{Q})$ синфдан олинган умумлашган ечимни ўрганиш лозим.

(1) система учун автомодел тенгламалар системасини қуриш йўли орқали қаралаётган масаланинг сифат хоссалари ўрганилди.

Автомодел тенгламалар системаси ночизиқли ажратиш усули ёрдамида қурилган:

$$\begin{cases} \xi^{1-N}\dfrac{d}{d\xi}(\xi^{N-1}f_2^{m_1-1}\left|\dfrac{df_1}{d\xi}\right|^{p-2}\dfrac{df_1}{d\xi})+\dfrac{\xi}{p}\dfrac{df_1}{d\xi}+\theta_1f_1(1-f_1^{\beta_1})=0, \\ \xi^{1-N}\dfrac{d}{d\xi}(\xi^{N-1}f_1^{m_2-1}\left|\dfrac{df_2}{d\xi}\right|^{p-2}\dfrac{df_2}{d\xi})+\dfrac{\xi}{p}\dfrac{df_2}{d\xi}+\theta_2f_2(1-f_2^{\beta_1})=0, \end{cases} \tag{2}$$

бу ерда $\theta_i = \dfrac{\alpha_i}{(1-[\alpha_i(\mathrm{p}-2)+\alpha_{3-i}(\mathrm{m}_i-1)])\tau}$. (2) система учун юқори ечим қурилган. Агар $\beta_i = [(\mathrm{p}-2)^2-(m_1-1)(m_2-1)]/[(\mathrm{p}-1)(\mathrm{p}-(\mathrm{m}_i+1)]$, $p>2+\sqrt{(m_1-1)(m_2-1)},\ i=1,2,$ бўлса у ҳолда (2) тенглама

$$\overline{f}_1(\xi)=A(a-\xi^{\gamma})_+^{\ n_1},\ \ \overline{f}_2(\xi)=B(a-\xi^{\gamma})_+^{\ n_2},$$

кўринишдаги тақрибий ечимга эга, бу ерда $(b)_+=\max(0,b)$, $\gamma=p/(p-1)$,

$$n_1=\frac{(p-1)(p-(m_1+1)}{(p-2)^2-(m_1-1)(m_2-1)};\ \ n_2=\frac{(p-1)(p-(m_2+1)}{(p-2)^2-(m_1-1)(m_2-1)}.$$

Ечимларни таққослаш тамойили асосида Q соҳада қуйидаги теорема исботланади.

1-теорема. $u_i(0,x)\le u_{i\pm}(0,x),\ x\in R$ бўлсин. У ҳолда (2)-масаланинг ечими учун Q соҳада қуйидаги баҳолаш ўринли бўлади:

$$u_1(t,x)\le u_{1+}(t,x)=e^{k_1t}\tau^{-\alpha_1}\,\overline{f}_1(\xi),\ u_2(t,x)\le u_{2+}(t,x)=e^{k_2t}\tau^{-\alpha_2}\,\overline{f}_2(\xi),\ \xi=|x|/\tau^{1/p},$$

бу ерда $\theta_i=\dfrac{\alpha_i}{(1-[\alpha_i(\mathrm{p}-2)+\alpha_{3-i}(\mathrm{m}_i-1)])\tau}\le N$, $i=1,2$, $\overline{f}_1(\xi)$, $\overline{f}_2(\xi)$ ва $\tau(t)$- юқорида аниқланган функциялардир.

Шунингдек қуйидаги теорема исботланган:

2-теорема. Агар $E_{P_i}(x,\tau),\ \mathrm{i}=1,2$ қуйидаги системанинг ечими бўлса,

$$\begin{cases}\dfrac{\partial u_1}{\partial\tau}=\dfrac{\partial}{\partial x}\left(D_1u_2^{m_1-1}\left|\dfrac{\partial u_1}{\partial x}\right|^{p-2}\dfrac{\partial u_1}{\partial x}\right),\\[2ex]\dfrac{\partial u_2}{\partial\tau}=\dfrac{\partial}{\partial x}\left(D_2u_1^{m_2-1}\left|\dfrac{\partial u_2}{\partial x}\right|^{p-2}\dfrac{\partial u_2}{\partial x}\right),\end{cases}$$

$$u_1(0,x)=P_1\delta(x),\ u_2(0,x)=P_2\delta(x),\ \int_{-\infty}^{\infty}E_{P_1}(x,\tau)dx=P_1,\ \ \int_{-\infty}^{\infty}E_{P_2}(x,\tau)dx=P_2,$$

у ҳолда (1) тенгламанинг ечими учун $\left\{x\in R:|x|<c\tau^{1/\mu},\ c=\max\{c_1,c_2\}>0\right\}$соҳада қуйидаги муносабатлар ўринли:

$$\lim_{\tau\to\infty}\left|u_1(x,\tau)-E_{P_1}(x,\tau)\right|=0,\ \lim_{\tau\to\infty}\left|u_2(x,\tau)-E_{P_2}(x,\tau)\right|=0 \qquad (3)$$

Шунингдек 2-бобда Q={(t,x): 0< t < ∞, x∈R} соҳада и биологик популяцияни таърифловчи параболик типдаги иккита кросс-диффузия тенгламалар системаси қаралган:

$$\begin{cases}\dfrac{\partial u_1}{\partial t}=\dfrac{\partial}{\partial x}\left[(a_{11}u_1^m+a_{12}u_2^m)\dfrac{\partial u_1}{\partial x}+(b_{11}u_1^m+b_{12}u_2^m)\dfrac{\partial u_2}{\partial x}\right]+k_1(t)u_1(1-u_2^{\beta_1}),\\[2ex]\dfrac{\partial u_2}{\partial t}=\dfrac{\partial}{\partial x}\left[(a_{21}u_1^m+a_{22}u_2^m)\dfrac{\partial u_1}{\partial x}+(b_{21}u_1^m+b_{22}u_2^m)\dfrac{\partial u_2}{\partial x}\right]+k_2(t)u_2(1-u_1^{\beta_2}),\end{cases} \qquad (4)$$

бу ерда a_{ij}, b_{ij} - мусбат ҳақиқий сонлар, $\beta_1,\beta_2\ge 0$, $u_1=u_1(t,x)\ge 0$,

$u_2 = u_2(t,x) \geq 0$ - изланаётган ечимлар. $a_{ij} \neq 0$, $b_{ij} = 0$ ёки $a_{ij} = 0$, $b_{ij} \neq 0$ да (4)- математик модел $a_{ij}u_i^m \geq 0, b_{ij}u_i^m \geq 0$ кўринишдаги диффузия коэффициентли реакция-диффузия типидаги системани ифодалайди. Коэффициентлардан (ишора ихтиёрий бўлиши мумкин) ақалли бири $a_{ij} \neq 0$ ёки $b_{ij} \neq 0$ бўлса система кросс-диффузион (i,j=1,2 да ўзаро диффузион) ҳисобланади.

(4)-система:

$$\overline{f}_1 = A(a - b\xi^2)_+^{\eta_1}, \quad \overline{f}_2 = B(a - b\xi^2)_+^{\eta_2} \quad (y)_+ = \max(0, y)$$

кўринишдаги тақрибий ечимга эга эканлиги кўрсатилди.

$a_{11} = 0;\ a_{12} \neq 0;\ b_{11} = 0;\ b_{12} = 0; a_{21} = 0;\ a_{22} = 0;\ b_{21} \neq 0; b_{22} = 0$ шартлар бажарилган ҳолда $\eta_2 = \dfrac{1}{m}, \eta_1 = \dfrac{1}{m}$ бўлади,

$a_{11} = 0;\ a_{12} = 0;\ b_{11} = 0; b_{12} \neq 0;\ a_{21} \neq 0; a_{22} = 0;\ b_{21} = 0; b_{22} = 0$ шартлар бажарилган ҳолда эса $\eta_1 = \dfrac{m+2}{(\mathrm{m}+1)^2 - 1}, \eta_2 = \dfrac{m+2}{(\mathrm{m}+1)^2 - 1}$ бўлади, бу ерда *A* ва *B* маълум константалар.

(4)-системанинг сифат ҳоссаларини ўрганиш системада қатнашган сонли параметрларнинг қийматларига кўра сонли экспериментни ўтказишга имкон берди. Шу мақсадда бошланғич яқинлашиш сифатида қурилган асимптотик ва юқори ечимлардан фойдаланилди. Масалани сонли ечишда (4)-системани чизиқлаштириш учун Ньютон ва Пикар усулларидан фойдаланилди. Биологик популяциянинг автомодел тенгламалар системасини қуриш учун ночизиқли ажратиш усулидан фойдаланилди.

Тажриба ўтказиш учун сонли схема ва алгоритм ишлаб чиқилди. Ҳисоблаш схемалари сифатида t ва x бўйича $\overline{\omega_{\tau h}} = \{t_j = j\tau,\ j = 0,1,...,m, \tau m = T; x_i = a + ih, i = 0,1,...,n, h = \dfrac{b-a}{n}\}$ текис сеткада

$$\begin{cases} \dfrac{y_i^{j+1} - y_i^j}{\tau} = \dfrac{1}{h}\left(a_{i+1}\dfrac{y_{i+1}^{j+1} - y_i^{j+1}}{h} - a_i\dfrac{y_i^{j+1} - y_{i-1}^{j+1}}{h}\right) + k_{1i}^{j+1}y_i^{j+1}\left(1 - \left(w_i^j\right)^{\beta_1}\right), \\ \dfrac{w_i^{j+1} - w_i^j}{\tau} = \dfrac{1}{h}\left(b_{i+1}\dfrac{w_{i+1}^{j+1} - w_i^{j+1}}{h} - b_i\dfrac{w_i^{j+1} - w_{i-1}^{j+1}}{h}\right) + k_{2i}^{j+1}w_i^{j+1}\left(1 - \left(y_i^{j+1}\right)^{\beta_2}\right) \end{cases}$$

ифодадан фойдаланилди, бу ерда a_i ва b_i қуйидаги тарзда танланган:

$$a_i(y) = 0.5D_1\left[\left(w_{i+1}^j\right)^{m_1-1}\left|\frac{y_{i+1}^{j+1} - y_i^{j+1}}{h}\right|^{p-2} + \left(w_i^j\right)^{m_1-1}\left|\frac{y_i^{j+1} - y_{i-1}^{j+1}}{h}\right|^{p-2}\right],$$

$$b_i(w) = 0.5D_2\left[\left(y_{i+1}^{j+1}\right)^{m_2-1}\left|\frac{w_{i+1}^{j+1} - w_i^{j+1}}{h}\right|^{p-2} + \left(y_i^{j+1}\right)^{m_2-1}\left|\frac{w_i^{j+1} - w_{i-1}^{j+1}}{h}\right|^{p-2}\right].$$

Бу система y^{j+1} ва w^{j+1} функцияларга нисбатан ночизиқли ҳисобланади. Унинг ечимини топиш учун итерация усулидан фойдаланилади. Итерацион жараён қуйидаги тарзда қурилади:

$$\begin{cases} \dfrac{\overset{s+1}{y}{}_i^{j+1} - y_i^j}{\tau} = \dfrac{1}{h}\left(\overset{s}{a}_{i+1} \dfrac{\overset{s+1}{y}{}_{i+1}^{j+1} - \overset{s+1}{y}{}_i^{j+1}}{h} - \overset{s}{a}_i \dfrac{\overset{s+1}{y}{}_i^{j+1} - \overset{s+1}{y}{}_{i-1}^{j+1}}{h} \right) + k_{1i}^{j+1} \overset{s+1}{y}{}_i^{j+1} \left(1 - \left(w_i^j\right)^{\beta_1}\right), \\ \dfrac{\overset{s+1}{w}{}_i^{j+1} - w_i^j}{\tau} = \dfrac{1}{h}\left(\overset{s}{b}_{i+1} \dfrac{\overset{s+1}{w}{}_{i+1}^{j+1} - \overset{s+1}{w}{}_i^{j+1}}{h} - \overset{s}{b}_i \dfrac{\overset{s+1}{w}{}_i^{j+1} - \overset{s+1}{w}{}_{i-1}^{j+1}}{h} \right) + k_{2i}^{j+1} \overset{s+1}{w}{}_i^{j+1} \left(1 - \left(y_i^{j+1}\right)^{\beta_2}\right). \end{cases} \quad (5)$$

$\overset{(s+1)}{y}{}^{j+1}$ ва $\overset{(s+1)}{w}{}^{j+1}$ функцияларга нисбатан (5) айирмавий схема чизиқли бўлади. Бошланғич итерация сифатида вақт бўйича аввалги қадамдаги y ва w функциялар олинади: $\overset{(0)}{y}{}^{j+1} = y^j$ ва $\overset{(0)}{w}{}^{j+1} = w^j$. Итерация яқинлашиши учун $\max\limits_i \left| \overset{(s+1)}{y_i} - \overset{(s)}{y_i} \right| \le \varepsilon$ ва $\max\limits_i \left| \overset{(s+1)}{w_i} - \overset{(s)}{w_i} \right| \le \varepsilon$ шартларнинг бажарилиши талаб қилинади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Биологик популяциянинг кросс-диффузион системаларини сонли моделлаштириш»** деб номланиб, унда Q={(t,x): 0< t < ∞, x$\in R^N$} соҳада иккита квазичиқли кросс-диффузия тенгламалар системаси ўрганилади

$$\begin{cases} \dfrac{\partial u_1}{\partial t} = \nabla\left(D_1 u_2^{m_1-1} \left|\nabla u_1^k\right|^{p-2} \nabla u_1 \right) + k_1 u_1 \left(1 - u_1^{\beta_1}\right), \\ \dfrac{\partial u_2}{\partial t} = \nabla\left(D_2 u_1^{m_2-1} \left|\nabla u_1^k\right|^{p-2} \nabla u_2 \right) + k_2 u_2 \left(1 - u_2^{\beta_2}\right), \end{cases} \quad (6)$$

$$u_1\big|_{t=0} = u_{10}(x),\ u_2\big|_{t=0} = u_{20}(x), \quad (7)$$

у ночизиқли икки компонентали муҳитда Колмогоров-Фишер типидаги биологик популяция жараёнини таърифлайди, уларнинг ўзаро диффузия коэффицентлари мос равишда $D_1 u_2^{m_1-1} \left|\nabla u_1^k\right|^{p-2} \nabla u_1, D_2 u_1^{m_2-1} \left|\nabla u_2^k\right|^{p-2} \nabla u_2$ га тенг. $m_1, m_2, n, p, \beta_1, \beta_2, D_1, D_2$ сонли параметрлар- мусбат ҳақиқий сонлар, $\nabla(.) - \underset{x}{grad}(.)$, $\beta_1, \beta_2 \ge 1$, $x \in R^N$ $l > 0$; $u_1 = u_1(t,x) \ge 0$, $u_2 = u_2(t,x) \ge 0$ - тақсимот зичлигининг изланаётган ечимлари.

Ночизиқли ажратиш усули ёрдамида қурилган бузилувчи системанинг ечимларини автомодел таҳлил қилиш асосида (6), (7)- масала ечимларининг хоссалари ўрганилган:

$$
\begin{cases}
\xi^{1-N}\dfrac{d}{d\xi}\left(\xi^{N-1} f_2^{m_1-1}\left|\dfrac{df_1^k}{d\xi}\right|^{p-2}\dfrac{df_1}{d\xi}\right)+\dfrac{\xi}{p}\dfrac{df_1}{d\xi}+\mu_1 f_1(1-f_1^{\beta_1})=0, \\
\xi^{1-N}\dfrac{d}{d\xi}\left(\xi^{N-1} f_1^{m_2-1}\left|\dfrac{df_2^k}{d\xi}\right|^{p-2}\dfrac{df_2}{d\xi}\right)+\dfrac{\xi}{p}\dfrac{df_2}{d\xi}+\mu_2 f_2(1-f_2^{\beta_2})=0,
\end{cases} \tag{8}
$$

бу ерда $\mu_1=\dfrac{1}{(1-[\gamma_1 k(p-2)+\gamma_2(m_1-1)])}$ ва $\mu_2=\dfrac{1}{(1-[\gamma_2 k(p-2)+\gamma_1(m_2-1)])}$.

(8)-система қуйидаги кўринишдаги юқори умумлашган ечимга эга эканлиги аниқланган:

$$\bar{f}_1=A(a-\xi^{\gamma})_+^{\,n_1},\ \gamma=p/(p-1),\ \bar{f}_2=B(a-\xi^{\gamma})_+^{\,n_2},$$

бу ерда A ва B маълум бир ўзгармаслар ва

$$n_1=\frac{(p-1)[k(p-2)-(m_1-1)]}{\left[k(p-2)\right]^2-(m_1-1)(m_2-1)},\ n_2=\frac{(p-1)[k(p-2)-(m_2-1)]}{\left[k(p-2)\right]^2-(m_1-1)(m_2-1)}.$$

3-теорема. $u_i(0,x)\le u_{i\pm}(0,x),\ x\in R$ бўлсин. У ҳолда (6), (7) масаланинг ечими учун Q соҳада

$$u_1(t,x)\le u_{1+}(t,x)=e^{k_1 t}\bar{f}_1(\xi),\ u_2(t,x)\le u_{2+}(t,x)=e^{k_2 t}\bar{f}_2(\xi),\quad \xi=x/[\tau(t)]^{1/p},$$

$$\tau(\tau)=\begin{cases}
\dfrac{(T+\tau)^{1-[\gamma_1(p-2)k+\gamma_2(m_1-1)]}}{1-[\gamma_1(p-2)k+\gamma_2(m_1-1)]}, & \text{агар}\ 1-[\gamma_1(p-2)k+\gamma_2(m_1-1)]\ne 0, \\
\ln(T+\tau), & \text{агар}\ 1-[\gamma_1(p-2)k+\gamma_2(m_1-1)]=0, \\
(T+\tau), & \text{агар}\ p=2\ \text{и}\ m_1=1,
\end{cases}$$

баҳолаш ўринли бўлади, бу ерда $\bar{f}_1(\xi),\ \bar{f}_2(\xi)$ - юқорида аниқланган функциялар.

Мазкур бобда биологик популяция кросс-диффузион системаларини моделлаштириш учун сонли схема ва тажриба ўтказиш учун алгоритм ишлаб чиқилган.

Икки ўлчовли ҳолда тенгламалар таркибига кирган параметрларнинг турли хил қийматлари учун сонли эксперимент натижалари олинди:

$$t\in[0,t_{\max}];\ x_1\in[-x_{1\max},x_{1\max}];\ x_2\in[-x_{2\max},x_{2\max}].$$

Барча қаралган ҳолларда таклиф этилган ёндашув асосида итерациялар сони берилган eps аниқликда ўртача олтитадан ортмади.

1-жадвалда тенгламага кирган параметрларнинг турли хил қийматларида итерациялар сони келтирилган.

1-жадвал

Параметрларнинг турли ҳил қийматларида итерациялар сони

eps	m_1	m_2	p	β_1	β_2	k	*Ўртача It*
10^{-3}	4,1	4,0	4,4	1,0	1,0	0,5	3
10^{-5}	5,7	5,4	3,0	2,0	2,0	3,0	4
10^{-3}	3,7	3,3	4,0	2,0	0,5	0,1	3
10^{-5}	2,5	2,4	3,1	2,0	0,5	0,5	4
10^{-3}	5,1	5,3	3,5	3,0	0,3	1,5	3
10^{-5}	3,0	3,2	3,0	3,0	3,0	1,0	6
10^{-3}	5,0	5,2	3,0	10,0	5,0	2,0	2
10^{-5}	2,7	2,5	5,4	3,0	2,0	2,0	6
10^{-3}	3,7	3,5	7,4	2,0	3,0	3,0	3
10^{-3}	3,0	3,5	7,0	14,0	7,0	2,0	5

Яратилган дастур параметрларнинг турли хил қийматлари ва маълумотларда жараённинг эволюциясини визуал равишда кузатишга имкон беради. 2-жадвалда тезкор диффузия натижалари келтирилган.

Ҳисоблашларда бошланғич яқинлашиш сифатида $n_1 > 0, n_2 > 0, q < 0$ бўлган ҳол учун

$u_1(x,t) = (T + \tau(t))^{-\gamma_1}(a + \xi^{\gamma})^{n_1}, u_2(x,t) = (T + \tau(t))^{-\gamma_2}(a + \xi^{\gamma})^{n_2}$

олинган, бу ерда:

$$\gamma_1 = \frac{1}{\beta_1}, \gamma_2 = \frac{1}{\beta_2}, \gamma = \frac{p}{p-1}, n_i = \frac{(p-1)[k(p-2)-(m_i-1)]}{q}, \; i = 1,2,$$

$$q = k^2(p-2)^2 - (m_1-1)(m_2-1), 1-[\gamma_1(p-2)k + \gamma_2(m_1-1)] \neq 0,$$

$$\tau(t) = \frac{(T+\tau)^{1-[\gamma_1(p-2)k+\gamma_2(m_1-1)]}}{1-[\gamma_1(p-2)k+\gamma_2(m_1-1)]}.$$

2-жадвал

Тезкор диффузия

Параметр қийматлари	$t_{\max}=0.5,\ x_{1\max}=1.229,$ $x_{2\max}=1.229$	$t_{\max}=10,\ x_{1\max}=2.972,$ $x_{1\max}=2.972$	$t_{\max}=15,\ x_{1\max}=3.488,$ $x_{2\max}=3.488$
$m_1=4.1,\ m_2=4.0,$ $p=4.4$, $eps=10^{-3}$, $n_1=0.822>0$, $n_2=0.779>0$, $q=-7.86<0$, $\beta_1=1,\ \beta_2=1$, $k=0.5$			
$m_1=2.5,\ m_2=2.4,$ $p=3.1$, $eps=10^{-3}$, $n_1=1.11>0$, $n_2=0.993>0$, $q=-1.797<0$, $\beta_1=2,\ \beta_2=0.5$, $k=0.5$			

3-жадвалда параметр қийматлари $n_1>0, n_2>0, q>0$ бўлганда секин диффузия натижалари келтирилган.

Бошланғич яқинлашиш сифатида $u_1(x,t)=(T+\tau(t))^{-\gamma_1}(a-\xi^{\gamma})_+^{n_1}$, $u_2(x,t)=(T+\tau(t))^{-\gamma_2}(a-\xi^{\gamma})_+^{n_2}$ олинган. Бу ерда:

$$\gamma_1=\frac{1}{\beta_1},\ \gamma_2=\frac{1}{\beta_2},\ \ \gamma=\frac{p}{p-1},\ n_i=\frac{(p-1)[k(p-2)-(m_i-1)]}{q},\ i=1,2,$$

$$q=k^2(p-2)^2-(m_1-1)(m_2-1)\ ,\ 1-[\gamma_1(p-2)k+\gamma_2(m_1-1)]=0,$$
$$\tau(t)=\ln(t).$$

3-жадвал

Секин диффузия

Параметр қийматлари	$t_{\max}=0.5,\ x_{1\max}=1.229,$ $x_{2\max}=1.229$	$t_{\max}=10,\ x_{1\max}=2.972,$ $x_{1\max}=2.972$	$t_{\max}=15,\ x_{1\max}=3.488,$ $x_{2\max}=3.488$
$m_1=3,\ m_2=3.5,\ p=5$ $eps=10^{-3}$, $n_1=1>0$, $n_2=0.5>0$, $q=4>0$, $\beta_1=5,\ \beta_2=5,\ k=1$			
$m_1=3,\ m_2=3.5,\ p=7$ $eps=10^{-3}$, $n_1=0.505>0$, $n_2=0.474>0$, $q=95>0$, $\beta_1=14,\ \beta_2=7$, $k=2$			

Итерацион жараён учун бошланғич яқинлашишни танлашнинг таклиф этилган усули самарали бўлиб чиқди ва чекли тарқалиш тезлиги ҳамда диффузион тўлқинларнинг фазода локаллашувига эга жараёнларни сонли жиҳатдан ўрганиш имконини берди.

Диссертациянинг **«Икки карра ночизиқли ва конвектив кўчишга эга биологик популяциянинг кросс-диффузион системаларини хоссалари»** деб аталган тўртинчи бобда тезлиги вақтга боғлиқ икки карра ночизиқли ҳамда конвектив кўчишли Колмогоров-Фишер типидаги популяцион моделлар ўрганилган. Q={(t,x): 0< t < ∞, x∈R } соҳада ночизиқли кросс-диффузияли иккита тенгламали параболик система қаралган

$$\begin{cases} \dfrac{\partial u_1}{\partial t}=\dfrac{\partial}{\partial x}\left(D_1 u_1^{m_1-1}\left|\dfrac{\partial u_1}{\partial x}\right|^{p-2}\dfrac{\partial u_1}{\partial x}\right)+l(t)\dfrac{\partial u_1}{\partial x}+k_1(t)u_1\left(1-u_2^{\beta_1}\right), \\ \dfrac{\partial u_2}{\partial t}=\dfrac{\partial}{\partial x}\left(D_2 u_2^{m_2-1}\left|\dfrac{\partial u_2}{\partial x}\right|^{p-2}\dfrac{\partial u_2}{\partial x}\right)+l(t)\dfrac{\partial u_2}{\partial x}+k_2(t)u_2\left(1-u_1^{\beta_2}\right), \end{cases} \tag{10}$$

$$u_1\big|_{t=0}=u_{10}(x),\quad u_2\big|_{t=0}=u_{20}(x),$$

у ночизиқли икки компоненталиі муҳитда биологик популяция жараёнини таърифлайди, унинг диффузия коэффициентлари $D_1 u_1^{m_1-1}\left|\dfrac{\partial u_1}{\partial x}\right|^{p-2}$,

$D_2 u_2^{m_2-1}\left|\frac{\partial u_2}{\partial x}\right|^{p-2}$ га тенг, конвектив кўчиш (миграция) эса $l(t)$ тезликка эга, бу ерда $m_1, m_2, p, \beta_1, \beta_2$ - мусбат ҳақиқий сонлар, $u_1 = u_1(t,x) \ge 0$, $u_2 = u_2(t,x) \ge 0$ - изланаётган ечимлар.

Хусусан, (10)- системанинг тўлқинсимон ечими

$$w_i(\tau(t),\eta) = f_i(\xi),\ \xi = c\tau \pm \eta,\ i = 1,2,$$

кўринишга эга, бу ерда с – тўлқин тезлиги ва $w_i(\tau, x)$ учун тенглама кичик ҳадларсиз $1-[\gamma_1(m_1 + p - 3) \ne 0,$ ҳолда ҳар доим автомодел ечимга эга бўлишини ҳисобга олиб, қуйидаги система ҳосил қилинди:

$$\begin{aligned} L_1(f_1) &= \frac{d}{d\xi}\left(f_1^{m_1-1}\left|\frac{df_1}{d\xi}\right|^{p-2}\frac{df_1}{d\xi}\right) + c\frac{df_1}{d\xi} + \mu_1(f_1 - f_1\ f_2^{\beta_1}) = 0, \\ L_2(f_2) &= \frac{d}{d\xi}\left(f_2^{m_2-1}\left|\frac{df_2}{d\xi}\right|^{p-2}\frac{df_2}{d\xi}\right) + c\frac{df_2}{d\xi} + \mu_2(f_2 - f_2\ f_1^{\beta_2}) = 0, \end{aligned} \tag{11}$$

бу ерда $\mu_i = \dfrac{1}{1-[\gamma_i(m_i + p - 3)]},\ i = 1,2.$

Агар

$$\beta_1 = 1/\mathrm{n}_2,\ \beta_2 = 1/n_1,\ p + m_i - 3 > 0,\ i = 1,2,$$

бўлса у ҳолда (11) система А ва В ўзгармаслар

$$(n_1)^{m_1+p-3} A^{m_1+p-3} + (1 + B^{\beta_1}) = c,$$

$$(n_2)^{m_2+p-3} B^{m_2+p-3} + (1 + A^{\beta_2}) = c$$

алгебраик системанинг ечими бўлганда

$$\overline{f}_1 = A(a-\xi)^{n_1},\ \overline{f}_2 = B(a-\xi)^{n_2},$$

$$n_1 = (p-1)/(p+m_1-3),\ n_2 = (p-1)/(p+m_2-3),$$

кўринишдаги аниқ ечимга эга бўлади.

$n_1 > 0, n_2 > 0,\ p_i + m_i > 3$ ҳол *(секин диффузия)*. (11) тенгламани ечиш учун қуйидаги функциялардан фойдаланилди:

$$\overline{\theta}_1(\xi) = A_1(a-\xi\ )_+^{n_1},\ \overline{\theta}_2(\xi) = A_2(a-\xi\ )_+^{n_2},$$

бу ерда $a > 0$, $(y)_+ = \max(y, 0)$, $\xi < a$. (10) - масала ечимининг глобал мавжудлиги учун $f_i(\xi)$ функциялар қуйидаги тенгсизликларни қаноатлантириши керак:

$$L_1(\overline{f}_1) = \frac{d}{d\xi}\left(\overline{f}_1^{m_1-1}\left|\frac{d\overline{f}_1}{d\xi}\right|^{p-2}\frac{d\overline{f}_1}{d\xi}\right) + c\frac{d\overline{f}_1}{d\xi} + \mu_1(\overline{f}_1 - \overline{f}_1\ \overline{f}_2^{\beta_1}) \le 0,$$

$$L_2(\overline{f}_2) = \frac{d}{d\xi}\left(\overline{f}_2^{m_2-1}\left|\frac{d\overline{f}_2}{d\xi}\right|^{p-2}\frac{d\overline{f}_2}{d\xi}\right) + c\frac{d\overline{f}_2}{d\xi} + \mu_2(\overline{f}_2 - \overline{f}_2\ \overline{f}_1^{\beta_2}) \le 0,$$

бу ерда $\beta_1 = 1/n_2$, $\beta_2 = 1/n_1$.

$\bar{\theta}_1(\xi)$, $\bar{\theta}_2(\xi)$ функциялар (11) финит ечимларнинг асимптотикаси эканлиги кўрсатилди.

4-теорема. (11)-масаланинг финит ечими $\xi \to a_-$ да $f_i(\xi) \sim \bar{\theta}_i(\xi)$, $i=1,2$ асимптотикага эга бўлади.

$n_1>0, n_2>0,\ p_i+m_i<3$ ҳол *(тез диффузия)*. (11) тенгламани ечиш учун қуйидаги функциялардан фойдаланилди:

$$\chi_1(\xi)=(a+\xi\ )^{n_1},\ \chi_2(\xi)=(a+\xi\ )^{n_2},$$

бу ерда $a>0$.

5-теорема. $\xi \to +\infty$ да (11) масаланинг чексизликда йўқолиб кетадиган ечими $f_i(\xi) \sim \chi_i(\xi)$ асимптотикага эга бўлади.

Эксперимент ўтказиш учун сонли схема ва алгоритм ишлаб чиқилган.

4-жадвалда параметр қийматлари $p+m_i-3<0,\ i=1,2$ бўлганда тезкор диффузия натижалари келтирилган. Бошланғич яқинлашиш сифатида $u_0(x,t)=(T+t)^{-\alpha_1}(a+\xi^{\gamma})^{q_1}$, $v_0(x,t)=(T+t)^{-\alpha_2}(a+\xi^{\gamma})^{q_2}$ олинган. Бу ерда:

$$\xi=(\int_0^t c(y)dy-x)/\tau^{\frac{1}{p}},\gamma=\frac{p}{p-1},\ c(t)=1/(T+t)^n,\ n\ge 1,\ n<1,$$

$$\int c(y)dy=(T+t)^{1-n}/(1-n),\ \alpha_1=\frac{1}{\beta_1-1},\ \alpha_2=\frac{1}{\beta_2-1},q_i=\frac{(p-1)}{p+m_i-3}.$$

4-жадвал

Тезкор диффузия

Параметр қийматлари	$x1=1;\ x2=1;$ $\lvert x\rvert=\sqrt{2}$	$x1=2;\ x2=2;$ $\lvert x\rvert=2\sqrt{2}$	$x1=3;\ x2=3;$ $\lvert x\rvert=3\sqrt{2}$
$m_1=0.8,\ m_2=0.7,$ $p=2.1,$ $eps=10^{-3},$ $\beta_1=2,\ \beta_2=5,$ $m_i+p-3<0,$ $n=3$			
$m_1=0.4,\ m_2=0.5,$ $p=2.2$ $eps=10^{-3},$ $\beta_1=2,\ \beta_2=2,$ $m_i+p-3<0,$ $n=5$			

5-жадвалда параметр қийматлари $p+m_i-3>0,\ i=1,2$ бўлганда секин диффузия натижалари келтирилган. Бошланғич яқинлашиш сифатида $u_0(x,t)=(T+t)^{-\alpha_1}(a-\xi^{\gamma})_+^{q_1}$, $v_0(x,t)=(T+t)^{-\alpha_2}(a-\xi^{\gamma})_+^{q_2}$ олинган.

5-жадвал

Секин диффузия

Параметр қийматлари	$x1=1;\ x2=1;$ $\lvert x\rvert=\sqrt{2}$	$x1=2;\ x2=2;$ $\lvert x\rvert=2\sqrt{2}$	$x1=3;\ x2=3;$ $\lvert x\rvert=3\sqrt{2}$
$m_1=1.9,\ m_2=5,$ $p=2.5,$ $eps=10^{-3},$ $\beta_1=1.5,\ \beta_2=2,$ $m_i+p-3>0,$ $n=3$			
$m_1=1.5,\ m_2=2,$ $p=2.5,$ $eps=10^{-3},$ $\beta_1=1.5,\ \beta_2=2,$ $m_i+p-3>0,$ $n=5$			

Диссертациянинг **«Икки карра ночизиқли ўзгарувчан зичликка эга биологик популяциянинг кросс-диффузион системаларини хоссалари»** деб номланган бешинчи бобида Q={(t,x): 0< t < ∞, x∈R} соҳада биологик популяция масаласининг иккита квазичиқли реакция-диффузия параболик тенгламаларининг системаси ўрганилди.

